2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 5-dekabr, payshanba | № 48 (9316) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

Yashil makon

Эътироф

“Яшил макон”

УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган фаол саъй-ҳаракат йилдан йилга авж олмоқда. Энг эътирофли жиҳати шундаки, кўкаламзорлаштирилаётган яшил майдонлар доираси муттасил кенгайиб бормоқда. Дастурнинг жорий йил кузги босқичига старт берилар экан, ушбу мавсумда юртимиз бўйича 80 миллион туп мевали, манзарали ва бошқа бутасимон дарахт кўчатларини ўтқазиш қатъий мақсад қилиб қўйилганлиги мазкур жараёнга давлат сиёсати даражасида устувор вазифа сифатида эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Аммо шундай бўлса-да, бу долзарб тадбирларга баъзи ҳудудларда етарлича масъулият билан ёндашилмаётганлиги, лойиҳа ижроси давомида берилган топшириқларни бажаришда рақамлар ортидан қувиш ҳолатлари кучаяётганлиги кузатилмоқда.

Манзарали ва мевали дарахт кўчатлари плантацияларини яратишда жой танламасдан, табиий шароитларни ҳисобга олмасдан, тупроқ ҳолатини ўрганмасдан, мос бўлмаган кўчатларни экиш, агротехникасини билмасдан туриб парваришига нотўғри ёндашиш, айниқса, экишдан кейинги дастлабки йиллар энг муҳим тадбир ҳисобланган суғоришни тизимли ташкил этмаслик натижасида яққол кўзга ташланаётган жиддий нуқсонлардир.

– Мана шундай ҳолатлар оқибатида баҳорда Пискент туманида қарийиб 100, Чиноз туманида 70, яна бир қатор туман ва шаҳарларда 50 фоизгача муқаддам экилган дарахт кўчатларининг аксарият қисми яхши кўкармай, қуриб қолган, – дея таъкидлади Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги босқичини бошлаш муносабати билан ўтказилган амалий-ташкилий семинарда. Албатта, ушбу хатоларга йўл қўйган туман ҳокимлари, бир қатор тегишли ташкилот ва корхона раҳбарларига интизомий чоралар кўрилганлиги ҳам айтиб ўтилди. Ҳатто баъзи ҳудудларда жой танламасдан ўтқазилган кўчат турлари қайта қазиб олиниб, ўрнига мос турлар экилганлиги очиниш билан таъкидланди. Лойиҳанинг жорий куз мавсуми босқичида биргина Тошкент вилоятида 6,5 миллион тупга яқин турли хил мевали, манзарали кўчат ва буталарни экиш режалаштирилган. Айни вақтда жараён тезкор давом этмоқда. Амалга оширилаётган кўчат экиш ишларини кузата туриб, беихтиёр хаёлимиздан такрор хавотирли ўйлар ўтади. Яна юқоридагидек хатоларнинг юз бермаслиги учун, миллион-миллион сўмлаб маблағ сарфлаб экилаётган бу кўчатларнинг тўлиқ тутиб кетиши учун нималар қилиш керак? Сир эмаски, сўнгги йилларда қатор хорижий давлатлардан мамлакатимизга манзарали, мевали дарахтлар, бута ва гулларнинг бутунлай янги нав ва турлари кириб келди. Бугун экилаётган кўчатларнинг аксарияти ана шулардан иборат эканлигини назарда тутадиган бўлсак, бир ҳақиқатни рўй-рост айтишимиз керак: кўпчилик, ҳатто бу ишларга бевосита масъул бўлган айрим ўрмон хўжалиги ходимларининг ўзлари ҳам етиштирилаётган кўчатлар кейинги босқич агротехникасини етарлича билмайди. Хўш, бу шароитда хатога йўл қўймаслик учун қандай омилларга эътибор қаратиш лозим?

(Давоми 2-саҳифада)



8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Бош қомусимиз

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган демократик сайлов жараёнлари ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва пировардида фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги стратегик мақсад ва вазифаларимизни рўёбга чиқариш учун ташланган залворли қадам бўлди. Бу сафарги сайлов мамлакатимиз тарихида илк маротаба аралаш сайлов тизими асосида муваффақиятли ўтганганлиги билан ҳам диққатга моликдир.

Халқимизнинг хусусан, сайловчиларнинг хохиш-иродаси туфайли қабул қилинган Асосий Қомусимиз ҳақиқатдан ҳам чинакам халқпарвар Конституция бўлиб, давлатчилик тараққиётимизнинг уч минг йиллик тарихий тажрибасига, шунингдек, халқаро меъёрларга асосланганлиги билан эътиборга лойиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонимизни “Ижтимоий давлат” тамойили асосида барпо этиш янгиланган Конституциямизда ўз аксини топган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш ҳамда тенг имконият ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитларни барпо этиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш, умумун олганда инсон қадр-қимматини юксалтириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш демакдир. Бу муққадас Ватанда энг аввало, инсон қадрини юксалтиришга устувор аҳамият қаратилганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки, инсон қадри ҳар нарсадан улуғдир. Шу нуқтаи-назардан олиб қарасак, янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналиши “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб номланди. Мазкур йўналишдаги вазифаларни амалга оширишда республикамизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Инсон қадри учун” ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилганлиги, шу асосда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтириш мақсадида давлат функцияларининг катта қисми марказдан ҳудудларга ўтказилишининг кўзда тутилганлиги эътиборга моликдир.

(Давоми 2-саҳифада)

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРИХИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Одамлар ҳисобини юритиш амалиёти илк бор милоддан аввалги уч минг йилликдан бошланган. Бу жараён дастлаб Осиё ва Африка давлатлари, Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой ва Японияни қамраб олган. Бу ислоҳотдан кўзланган мақсад солиқ тўловчилар ва аскарликка яроқли аҳоли сонини аниқлаш бўлган.

Илк ўрта асрларда мазкур тартибот бирмунча такомиллашган. Аҳолини ҳисобга олиш элементлари хўжаликларнинг ёзма китоблар, кадастрлардаги тавсифлари билан уйғунлашган. Уларда одамлар ёки оилалар эмас, балки уй-жой каби солиққа тортиш бирликлари биринчи ўринга қўйилган.

Финляндияда XVI асрданоқ аҳоли сони рўйхатини олиб бориш бошланган. Давлатнинг мақсади биринчи ўринда солиққа тортиш ва ҳарбий хизматга чақириш билан боғлиқ бўлган. Ўша даврда Швеция, ўзининг шарқий қисми бўлган Финляндияни қўшганда ҳам аҳолиси кам, камбағал давлат эди. Шу сабабли ҳам йирик маъмурий аппарат ва армияни сақлаб туриш учун ҳарбий хизматга мажбур бўлган ва солиққа тортиладиган аҳоли ва унинг мулки тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш лозим эди.

Аҳолини рўйхатида жойлашган ва бутун Финляндияни ўз ичига олган ахборот таркиби ўзининг кенг қамровли эканлиги билан ажралиб туради. Ахборот базаси мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ҳақидаги аниқ ва эътиборга лойиқ маълумотларни ўз ичига олади. Фуқаро тўғрисидаги энг муҳим маълумот унинг исми-фамилияси, туғилган жойи ва санаси ҳамда фуқаролигидир. Шунингдек, фуқаронинг оилавий аҳволи ва яшаш жойи тўғрисидаги маълумот ҳам муҳимдир.

XVIII аср ўрталаридан аҳолини ўрганишга қизиқиш ортади. Австрия, Голландия, Дания, Испания, Япония, Америкада одамлар ҳисобини юритишга киришилади. Бироқ бу ҳисоб-китоблар бутун бошли аҳолини қамраб ололмаган. Аҳолини универсал рўйхатга олиш 1665 йилда Янги Франция (Квебек) колониясида бўлиб ўтди. АҚШда 1790 йилда тўлиқ аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилди. Ўшанда ўн етти нафар полиция ходими мамлакат бўйлаб саёҳат қилиб, хонадонма-хонадон юриб, олтита саволга жавоб тўплашди: уй эгасининг тўлиқ номи, ўн олти ёш ва ундан катта ёшдаги озод оқ танли эркаклар сони, ўн олти ёшдан кичик бўлган озод оқ танли эркаклар сони, озод оқ танли аёллар сони, бошқа озод шахслар сони, қуллар сони. Ўттиз йил ўтгач, Италия, Испания, Англия, Ирландия, Австрия, Францияда рўйхатга олиш вақти келди. 1851 йилда Хитойда, кейин Японияда (1871) ва ниҳоят Россияда аҳоли рўйхатга олинди. Замонавий босқич XX асрнинг ўрталаридан бошланди. Бир қатор Осиё мамлакатларида, шунингдек, Африкада аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди. Бу янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Ўтган асрнинг 70-йилларда Яман, БАА, Саудия Арабистони каби мамлакатларда биринчи маротаба аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди. XX асрнинг охирига келиб, аҳолини рўйхатга олиш дунёнинг деярли барча ҳудудини қамраб олди. Дунёдаги ҳар бир мамлакат, ўзининг аҳолиси ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида мунтазам равишда аҳолини рўйхатга олади. Кўпчилик мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш ҳар беш ёки ўн йилда амалга оширилади. Ҳозир жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида аҳоли ўртача ҳар ўн йилда камида бир марта рўйхатдан ўтказилмоқда. Халқаро амалиёт шундай.

Ўзбекистон ҳудудида илк бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1897 йилда амалга оширилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980 йилларда аҳоли рўйхатга олинган. Ушбу тадбир сўнгги бор 1989 йилда ўтказилиб, ўша пайтда республикамиз аҳолиси 19,7 миллион кишини ташкил этган. Мамлакатимизда 1989 йилдан кейин ҳали бирор марта ҳам аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Шу туфайли демографик муаммоларимиз кўпайиб, одамларнинг ҳақиқий ҳаёт тарзини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишда қатор қийинчиликлар вужудга келмоқда.

Бахтиёр ХОЛИКОВ,
Юнусобод тумани Статистика бўлими бошлиғи в.б.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ИККИ ЮЗ МИЛЛИОНЛИК ДАРОМАД

Чустнинг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Тинчлик маҳалласи қиёфаси янгиланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб бораётган манзиллардан бири.

Тоғ ёнбағридаги сўлим табиати билан донг таратган ҳудудда аҳоли асосан деҳқончилик ва томорқачилик билан шуғулланади. Бунинг асосий сабаби ҳудуднинг қулай географик ўрнидир. Айни палла юртимизда томорқадан унумли фойдаланиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, “бир ҳудуд – бир маҳсулот” тамойили асосида ҳудудларда саноатбоп ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашув жараёни жадал суръатда давом этяпти. Мазкур ҳаётбахш ислоҳотлар ижросини таъминлаш мақсадида ишлар маҳалламизда ҳам жадаллик билан кетяпти. Маҳалламизнинг Бахт кўчасида истиқомад қилаётган Бургутали Кенжаев ҳақида тўхталиб ўтсак. У қишлоқ шароитига чидамли, уруғи ва кўпроқ қаламчаларидан кўпайтириладиган шамшод ўсимлигини экиб, парваришлайди. Ҳовлисидаги қарийб 10 сотих ерида 4000 га яқин кўчат бор.

– Шамшод ўсимлигини экиш, парваришлаш бир мунча қийинчилик туғдириши мумкин аммо чидамли ва бардошли бўлсангиз буни уддалайсиз, – дейди у. – Даромади ҳам яхши, мана, 4 йилдан бери қараб, парваришлаймиз. Бу йил ҳам қарийб 200 миллион сўмга сотишни мўлжаллаяпмиз.

Отабек ҚОБИЛОВ,
Чуст тумани Тинчлик маҳалласи ёшлар етакчиси.

Жорий йилнинг 2 декабрь куни Пенсильвания штати (АҚШ)да илк бор қурилиш материаллари соҳасида “Америка – Ўзбекистон” бизнес-форуми бўлиб ўтди. Форум доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга 50 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари намойишига бағишланган кўргазма ташкил этилиб, ўндан зиёд экспорт шартномалари имзоланди.

АҚШДА ИЛК БОР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СОҲАСИДА

“АМЕРИКА – ЎЗБЕКИСТОН” БИЗНЕС-ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ



Ўзсаноатқурилишбанк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ва Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган бизнес-форумда Ўзбекистоннинг “Basalt Uzbekistan”, “Alcopon Standart Trade”, “Sanfa Engineering”, “Benkam”, “Akfa extrusions”, “First Global Stone”, “Geobasalt Products”, “Marmar_Uz”, “Zetomaksimum” каби йирик ишлаб чиқарувчилари, шунингдек, АҚШдаги қурилиш компаниялари, девелоперлар, дистрибьюторлар ва ритейлерларнинг етакчи вакиллари иштирок этди. Унда Ўзбекистон қурилиш материаллари саноатидаги ютуқлар ҳамда бунга омил бўлаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни либераллаштириш, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, хусусий секторни, шу жумладан экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш каби кўпгина йўналишларда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш билан бирга, хорижий инвесторлар учун қулай муҳит яратишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” Ватанимиз тараққиётига, ҳаётимиз, соғлиғимиз, она табиатни келажак авлодларга безавол етказиш билан бевосита боғлиқ бўлган аҳамияти беқиёс умуммиллий лойиҳадир

“Яшил макон”

УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

(Боши 1-саҳифада)

– Жараёнга фақат ва фақат илмий ёндашиш керак, – дейди ёш мутахассис, мустақил тадқиқотчи Дилфуза Ғуломова. – Шунда ҳеч қандай йўқотишлар бўлмайди, кўчатларнинг барқ уриб ривожланиши кафолатланади.

– Бунинг учун асосланган, аниқ манбалар ҳам бўлиши керакмикин, дейман қизиқиб. – Шак-шубҳасиз,қаътий жавоб қайтарди ушбу масалада анчадан буён изчил изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи қўлимга кўк муқовали қалин китобни тутқазиб, танишиб чиқишни тавсия этаркан. Мақолани тайёрлаш жараёнида яқинда чоп этилган ушбу 450 саҳифадан зиёд “Ўрмон ва ланшафт дизайни энциклопедияси”ни варақлаб, баъзи ҳудудларда нима сабабдан экилаётган айрим турдаги кўчатларнинг ривожланишида йўл қўйилаётган жузъий камчиликларни англагандай бўлдим. Бу жараёнда жойларда баайни илм ва амалиёт уйғунлигининг сустлиги, олимлар, тармоқ масъулари ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида ҳамкорликнинг етарлича йўлга қўйилмаганлиги сезилмоқда. Китобни ўрмончилик соҳаси бўйича илк муҳим қўлланма эканлигини назарда тутадиган



бўлсак, бу борадаги ўртадаги бўшлиқ тўлдирилганлигини, олимларимиз “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида аллақачон аниқ тажрибалар асосида долзарб мавзуга қўл уриб, ажойиб қўлланма яратганликларини эътироф этиш мумкин. Ёш тадқиқотчи Дилфуза Ғуломова узтози, Тошкент давлат аграр унверситети “Ўрмончилик ва ланшафт дизайни” кафедраси профессори, таниқли олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Эркин Бердиев билан ҳаммуаллифликда яратилган ушбу қўлланмада бугун лойиҳа доирасида экилаётган ҳамда четдан келтирилиб, маҳаллийлаштирилган ноёб турдаги гуллар, буталар, манзарали ва мевали дарахтларнинг 300 дан зиёд турлари ҳақида, уларни кўпайтириш, энг муҳими, агротехникаси бўйича алоҳида шарҳлар билан қимматли маълумотлар берган. Қайси дарахтларнинг совуққа ёки иссиққа чидамлилиги, сершув ёхуд камсувлиги, уларнинг



дуркун ўсиши учун қандай парваришлаш, бу жараёнда нималарга эътибор қаратишгача барча тафсилотлар атрофлича баён қилинган. Масалан, ҳозирда кенг кўламда экилаётган “Элдор қарағайи”нинг маҳаллий шароитга ўта мослашувчанлиги, деярли ер танламаслиги, камсувлиги, ҳатто баъзи ҳудудларда ёмғир суви билан кифояланиши, иссиқ ва совуқ иқлимга бирдай чидамлилиги, тез ўсиши алоҳида шарҳланиб, улардан аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ҳамда автомобил йўллари бўйларида ланшафт яратишда фойдаланиш учун ўта мос дарахт турларидан ҳисобланиши таъкидланган. Шунингдек, яқин йиллар ичида четдан келтирилганига қарамай минтақамиз иқлимига жуда яхши мослашиб, юксак самарарадорликни намоён этаётган павлония дарахти хусусиятлари, улар қаторида яна ўнлаб тур дарахтлар, йил-ўн икки ой яшил ҳолда ўсиб, атрофга жозиба улашадиган буталар, турли хилдаги мевали ва манзарали дарахт ҳамда ноёб турдаги гуллар хусусида, кўпайтириш, ўстириш омиллари борасида муҳим жиҳатлар келтирилган. – Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 ноябр куни Тошкент шаҳри атрофида “яшил белбоғ” ташкил этиш лойиҳаси доирасидаги дарахт экиш



тадбирида шахсан иштирок этганларининг ўзи ҳам бу борада бошланган эзгу ишларнинг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини билдиради, – дейди китобнинг асосий муаллифи, профессор Эркин Бердиев. – Ҳали бу борада қилинадиган ишлар жуда кўп. Юртимиз жаннатмакон. Ҳар қаричидан унумли фойдаланишимиз керак. Баъзи бир дарахт ва буталар табобат нуқтаи назаридан қараганда беназир хусусиятларга эга. Уларни нафақат ўзимизда кўпайтириб, фармацевтикани ривожлантиришимиз, балки мўл ҳосил олиб экспортини ҳам йўлга қўйишимиз мумкин. Масалан, оддий наъматакни олиб кўрайлик. Ундаги дармондорилар, хусусан, биргина С витамини айрим цитрус меваларидан юз чандон зиёд. Инсон саломатлиги учун кони фойда бўлган хандон писта, ёнғоқ, қарағат, жийда... ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Китобимизда бу каби ноёб ўсимлик турлари ҳақда батафсил маълумот беришга ҳаракат қилганмиз.

Ҳақ гап. Шу ўринда ўрмон хўжалиги тизимидаги айрим масъулларга нисбатан жиндек эътирозимиз бор. Журналистик фаолиятимиз давомида олимларимизни бир ниҳолни яратиш ёки маҳаллий шароитга мослаштириш учун эгатларга тиз чўкиб, бир қўлларида қоғоз-қалам, бир қўлларида чўкич билан яшил баргларнинг “табассумига” гоҳида “қош-қовоғига” қараб, йиллаб тажриба ўтказганларига шахсан гувоҳ бўлганмиз. Мана шундай машаққатлар билан юзага келган қимматли қўлланма, китобларни эса мақолалар тайёрлаш чоғидаги ташрифларимизда ўрмончилик тизимида иш юритаётган “яшил олам” бунёдкорлигига бевосита дахлдор баъзи раҳбарларнинг иш столларида камдан-кам учратамиз. Ҳолбуки, бугун давр бутунлай ўзгарди. Энди талаб бошқача. Шу нарса аниққи, Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” Ватанимиз тараққиётига, ҳаётимиз, соғлиғимиз, она табиатни келажак авлодларга безавол етказиш билан бевосита боғлиқ бўлган аҳамияти беқиёс умуммиллий лойиҳадир. Бинобарин, унинг ижроси бўйича масъулият нафақат баъзи соҳа вакиллари балки, ҳар биримиз учун бирдай дахлдордир.

Иброҳим ТОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ФАҚАТГИНА БИРГА КОРРУПЦИЯНИ ТЎХТАТА ОЛАМИЗ!

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, вазирликнинг қуйида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларингизни қолдиришингиз тавсия этилади.

1. Ишонч телефони: **1243.**
2. Телеграм бот: **@uzagroanticorruptionbot**
3. Расмий веб саҳифа: **Agro.uz**
4. Электрон почта манзили: **info@agro.uz**
5. Масъул ходимлар: **95-018-22-42, 94-369-29-58.**

Йўлланган мурожаатлар ва хабарлар қонунчиликка асосан кўриб чиқилади.

С.ХАЛИЛОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

Бош қомусимиз

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ



(Боши 1-саҳифада)

Дарҳақиқат, инсон қадр-қиммати улуғланган юртнинг келажаги порлоқ бўлади. Зеро, янгиланган Конституциямизда инсон қадр-қиммати ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла ўз аксини топганлиги билан аҳамиятга моликдир. Конституциямизнинг 13-моддасида шундай эътироф этилган: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”. Шуни айтиш керакки, Бош Қомусимиз халқаро меъёрларнинг талаб даражасига мос келиши ва унга жавоб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифалари янгиланган Конституциямиздан мустаҳкам ўрин олган. БМТга аъзо 193 давлат томонидан 2015 йилда Барқарор ривожланиш мақсадлари қабул қилинган эди. У 17 та мақсадни ўз ичига олган бўлиб, булар глобал аҳамиятга эга бўлган мақсадлар ҳисобланади. Ўзбекистон шундан 16 тасини қабул қилган. Ўзбекистон океан ва денгиз билан боғланмаганлиги эътиборга олиниб, “Барқарор ривожланиш учун океанлар, денгизлар ва денгиз ресурсларини сақлаш ва барқарор фойдаланиш” деб номланган 14-мақсадни амалга оширишда мамлакатимизда реал имкониятнинг мавжуд эмаслиги туфайли мазкур модда қабул қилинмаган.

Президентимиз томонидан 2023 йилнинг 11 сентябрь куни “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги фармон қабул қилинди. Мазкур фармон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини ўзида тўла ифода этганлиги билан диққатга сазовордир. Конституциямизда мазкур масалаларнинг қамраб олинганлиги янада эътиборга моликдир. Жумладан, Бош Қомусимизнинг 14-моддасида шундай дейилади: “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”. Шунингдек, 49-моддада қуйидагича ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин. “Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради”. Бундан кўриниб турибдики, фуқароларнинг экологик ҳақ-ҳуқуқлари Конституциямиз даражасида мустаҳкам қонуний асосга эга бўлди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилинаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистоннинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганлиги республикамизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин исботидир.

Хулоса қилиб айтганда, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа умумэътироф этилган дахлсиз ҳуқуқлари янгиланган Конституциямизда ўз аксини топганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг 20 декабрида Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганларидек, “Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият. Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда нияти улуғ, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз. Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни албатта барчамиз биргаликда бунёд этамиз”.

Ҳакимали АЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЎҚУВЧИЛАР НАФАҚАТ УЗОҚ ТАРИХ, КЕЧАГИ ТАРИХНИЯМ БИЛИШИ КЕРАК

Ватанпарварлик тарбияси ҳар бир синфда, ҳар доим муҳим вазифа бўлиб қолади. Бизнинг Убайдилла Уватов номли 1-умумий ўрта таълим мактабимизда ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда фақат дарс жараёнида эмас, балки турли тадбирлар, учрашувлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинади. Айниқса, мустақиллик учун ўз ҳаётини бағишлаган аждодларимиз фаолиятини ўрганиш, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуронийлар билан учрашувлардан ўқувчилар яхши таассурот оладилар.

Жадидлар ҳаёти тўғрисидаги ёритилаётган китобларни ўқиш, телевидение орқали намойиш қилинаётган фильмларни муҳокама қилиш ўқувчиларимизда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда яхши самара бермоқда. Ундан илҳомланаган ўқувчиларимиз туманимизда қатағон даврида ноҳақ жазога тортилган инсонлар тарихини ўрганишга киришдилар. Хонадонидан Аҳмад Яссавийнинг китоби топилганлиги сабабли қамоққа тортилган Қориаҳмад деган инсоннинг ҳаётини ўрганиш мақсадида у кишининг аждодлари билан учрашувлар ўтказилди.

Шомурод Турдиевнинг асли касби агроном экан. У киши Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб, Қашқадарёда деҳқончиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Вилоятда, туманда хўжаликларни кезиб пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги ходимларига илмий маслаҳатлар бериб келган. У киши яқинда мактаб ўқувчилари билан учрашиб, меҳнаткаш халқимиз деҳқончилик соҳасида катта ютуқларга эришганлигини сўзлаб берди.

– Бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, – дея гап бошлади у. – Йилдан йилга ҳосилни кўпайтириб, обрўси ошиб бораётган ўзбек халқига нисбатан турли туҳматлар, қатағонга ўхшаш ҳаракатлар авж олди. Мен тақдир тақозоси билан мева-сабзавот



етиштирувчи совхозга директор бўлиб қолдим. Мамлакатда пахтачилик асосий тармоққа айланиб қолганлиги сабабли бизнинг хўжалигимизга камроқ майдонда бўлсада пахта экиш топшириғи берилди. Ўзбекистон 6 миллион тонна, Қашқадарё 600 минг тонна, Ғузор тумани 45 минг тонна пахта етиштириб беради, деган нореал режа туфайли бизга ҳам имкониятимиздан ортиқ пахта топшириш талаб қилинди. Даладан чиққан ҳосил бу режани бажаришга имкон бермаганлиги сабабли барча хўжаликлар қатори етишмаган ҳосилни пахта тозалаш заводидан “сотиб” олишга мажбур бўлганмиз. Ўзбекистоннинг шаънини ерга уришга шайланган текширувчилар 1984 йили хўжалигимизда текшириш ўтказиб, бизни 19 минг сўм давлатга зиён етказган деб баҳолади ва кичкина бир хўжаликдан саккиз киши жиноий жавобгарликка тортилди. Бу текшириш жараёнида оддий бригада бошлиқлари, мутахассислар, колхозчилар, ҳатто пахта терган ўқувчилар, уларга бошчилик қилган ўқитувчилар терговга чақирилиб азобландилар. Бундай ҳолат бутун юртимиз бўйлаб авж олди. Яхшиямки бу номаъқулчиликни ўз вақтида англаган Республика раҳбарлари унга чек қўйди ва юртимиз ўз мустақиллигига эришди. Мана, энди сиз ўқувчилар учун мамлакатимизда яхши шароитлар яратилди ва сизлардан фақатгина чуқур билим олиб, Ўзбекистонимизнинг номини дунёга танитиш кутилаяпти.

Кекса агрономнинг ўқувчиларга айтган гаплари уларга қаттиқ таъсир қилди. Улар нуроний отахонга саволлар беришди.

Х.НУРМАНОВА,
М.БОТИРОВА,
Ғузор туманидаги У.Уватов номли 1-мактаб ўқитувчилари.

АҚШда илк бор қурилиш материаллари соҳасида

“АМЕРИКА – ЎЗБЕКИСТОН” БИЗНЕС-ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, ўтган беш йилда Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасига киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 15 млрд. доллардан ошди, шундан 9 млрд. доллардан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ташкил этди.

Бизнес-форум Америка бозорига маҳаллий қурилиш маҳсулотларини танитиш ва экспорт қилиш бўйича алоқалар ўрнатиш учун катта имконият яратган юқори даражадаги платформа бўлди. ТадбирдаЎзбекистон ва АҚШ ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ишончли ўсишда давом этаётгани маълум қилинди. Форум икки мамлакат ўртасидаги барқарор ва ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

– Ўзбекистон ривожланган инфратузилмага эга, бизнес юритиш учун жуда қулай, хавфсиз ва меҳмондўст мамлакатдир, – дейди “Basalt International Inc.” (АҚШ) компанияси савдо бўйича директори Ли Берри. – Шунинг учун биз бизнесимизни ривожлантиришда “Basalt Uzbekistan” компанияси билан ҳамкорлик қилишдан жуда мамнунмиз. Бутун Евроосиё минтақасида талабни қондириш учун Ўзбекистоннинг истиқболли бозорида янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидамиз.

Форум доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга 50 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари намойишига бағишланган кўргазма ҳамда B2B учрашувлари ташкил



этилди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари тўғридан-тўғри музокаралар олиб борди, ҳамкорликда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш истиқболларини муҳокама қилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси Нью-Йорк ва Нью-Жерси шаҳарларида қурилиш материалларини тарқатиш имкониятлари билан ҳам танишди, тегишли савдо майдончалари ва шоурумларда бўлди. Ўзбекистон брендларининг доимий савдо ваколатхонаси ва шоу-румини очиш, шунингдек, маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнларини бошлаш бўйича музокаралар ўтказилди.

Ўзсаноатқурилишбанк ахборот хизмати

Эълон

“Ipoteka-bank” ATIB Mehnat filiali, 2023 yil 10 fevral sanasida №15-2.1/414-F sonli farmoyish va №086/S sonli hisob-faktura asosida filialga keltirilgan bank omonat shartnomalari ichida **IBUZ-138867, IBUZ -138969, IBUZ -138998, IBUZ-155861** raqamli bank omonat shartnomalari mavjud bo’lmaganligi sababli, ushbu raqamli bank omonat shartnomalarini haqiqiy emas deb hisoblanishini ma’lum qiladi.

Япониялик мутахассислари ўқув дастурлари жараёнида муваффақиятли қатнашган тингловчилардан 24 нафар менторни саралаб олди.
Сараланган тингловчилар дастлаб Ўзбекистонда, кейин Ямагата университетида малака ошириб, халқаро сертификатга эга бўлди

↘ *Реклама ҳуқуқи асосида*

Яқинда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Бизнесни ривожлантириш банкининг тадбиркорликка ўқитиш лойиҳалари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк бошқаруви раҳбарияти, таркибий тузилмалар масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Ойбек Воҳидов очиб берди.





"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИНИНГ ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИШ ЛОЙИҲАЛАРИ"

МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

Қайд этилдики, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан юртимизда банк соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, аҳолига таклиф этилаётган банк хизматлари қулайлиги ва ҳаммабопли, замон талабларига мослиги билан турфа хил кўриниш касб этмоқда ва бу банклар орасида соғлом рақобат муҳити юзага келишига замин яратди.

Маълумки, 2023 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "Қишлоқ қурилиш банк" негизида "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ташкил этилди. Ўз навбатида, Президент томонидан илгари сурилаётган ташаббусларда тадбиркорларни ривожлантириш, уларнинг саводхонлигини ошириш бўйича хорижий тажрибаларни тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифида берган топшириқлари бўйича тузилган йиғилиш баённомасида жорий йилда вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш "менторлик" тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада Япония тажрибасининг жорий этилишини ташкил этиш вазифаси юклатилган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 сентябрдаги тегишли қарорига асосан халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда ўсиш ва ривожланиш салоҳиятига эга бўлган тадбиркорлар фаолиятига кўмак бериш ва ҳамроҳлик қилиш бўйича менторлар ёки етакчи тадбиркорлар гуруҳини шакллантириш, бунда йил якунига қадар 24 та менторлар фаолиятини йўлга қўйиш топшириқлари берилганди. Топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, шу йилнинг 7 мартида банк, жамғарма ҳамда Ямагата университети ўқув марказини томонидан шартнома тузилиб, 3 босқичда амалга оширилиши белгиланган.







1-босқич: Инновацион безнесни бошлаш дастурини ишлаб чиқиш.

2-босқич: Тадбиркорларни онлайн, офлайн тарзда ўқитиш, менторларни саралаш ва тайёрлаш дастури.

3-босқич: Банк ходимларини ўқитиш.

Шартномага кўра, Ямагата унивеситети профессорлари томонидан 17 турдаги видео материаллар, 16 та презентация ва 50 та саволдан таркиб топган тест саволлари дастури ишлаб чиқилди.

Япония университетининг профессорлари юртимиз тадбиркорлари билан учрашди, 150 нафар фаол тадбиркорлар билан ўқув курслари ташкил этилди. Ўқув курслари Япониянинг "u-hope" дастурини ўз ичига олган. Ямагата университети профессорлари томонидан тайёрланган 10 турдаги видеоролик шаклида дарслик ҳамда 6 та турдаги "кейс амалиёт"ларини ўз ичига олган.

Бугунги кунда, ушбу ўқув дастурига тадбиркорлар томонидан қизиқишлар ортиб бормоқда. Ҳозирда дастурга 11 минг нафардан ортиқ тадбиркорлар қизиқиш билдирган, 2 минг нафардан ортиқ ўқиш жараёнлари бошланган, 500 нафарга яқин тадбиркорлар сертификат олган.

Япония томонининг мутахассислари ўқув дастурлари жараёнида муваффақиятли қатнашган тингловчилардан 24 нафар менторни саралаб олишди. Сараланган тингловчилар дастлаб Ўзбекистонда, кейин Ямагата университетида малака ошириб, халқаро сертификатга эга бўлди. Ўз ўрнида, менторларнинг Японияга сафари билан боғлиқ харажатлар Марказлар томонидан қоплаб берилди, шунингдек, ўзаро тузилган шартномаларга асосан ҳар бир ментор томонидан жами 296 нафар тренерларни тайёрлаш мажбурияти юклатилди. Ўз ўрнида, барча менторлар томонидан ўқув дастурлари ва ўқитиш режа графиклари ишлаб чиқилди ва марказлар томонидан тасдиқланди. Жорий йилнинг 18 ноябридан бошлаб барча ҳудудларда тренерларни ўқитиш жараёнлари бошлаб юборилди. Ўқув жараёнлари офлайн ва онлайн шаклда амалга оширилмоқда. Бунда, жараёнларни ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Дастлабки ўқув курсларида 300 нафарга яқин тренерларга сертификатлар тақдим этилади ва уларга тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзлар берилиши таъминланади. Албатта, бу соҳада менторлар ва тренерлар томонидан келгусида ишлар давом эттирилиши, тадбиркорларни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, кенгайтирилган аудиторияларда ўқишлар ташкил этиш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида ОАВ вакиллари ва блогерлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга муфассал жавоб олдилар.

Раимқул СУЯРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

↘ *Қутлов*



Xizmatlar litsenziyalangan.

Бугунги кунда дунёда ҳар 39 дақиқада хакерлик ҳужумлари уюштирилади ва бундан ҳар йили 60 фоиз инсонлар зарар кўради

Дин, эътиқод масалаларида етарли билимга эга бўлиш инсоннинг ҳаётий-амалий фаолиятини тўғри йўлга қўйишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам виждон эркинлиги ҳар бир шахснинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари сирасига кирувчи ажралмас ҳуқуқларидан саналади.



ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – ФУҚАРОНИНГ КАФОЛАТЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИДИР

Бош Қомусимизда ҳам “Виждон эркинлиги – бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Фуқаро динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди”, дея қатъий белгилаб қўйилган.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунимизда жамиятда турли ёт қарашларни тарғиб қилмоқчи бўлган гуруҳлар фаолияти, улар томонидан тарқатилаётган бузғунчи ғояларнинг салбий таъсиридан аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида диний мазмундаги материалларни диншунослик экспертизаси ижобий хулосасини олгандан кейин тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш белгиланган. Диний қараш ва таълимотларнинг турлича талқин қилинишига йўл қўймаслик мақсадида “ноқонуний диний фаолият” билан “қонуний диний фаолият” ўртасидаги чегара аниқ кўрсатиб қўйилган ҳамда “диний таълим” тушунчасига ҳуқуқий жиҳатдан аниқлик киритилган.

Жамиятда тинчлик-тотувликни таъминлаш, диний бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний эътиқод билан боғлиқ қадриятлар, урф-одат ва анъаналар ҳурмат қилинишида мазкур қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса сифатида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу қонун билан Ўзбекистон нафақат ўз халқининг виждон эркинлиги бўйича ҳақ-ҳуқуқларини демократик талаблар асосида мустаҳкамлаб қўйган, балки муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган резолюциясига мувофиқ, жамиятда бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик борасида ўзи намуна ва ўрнак бўлаётганини бутун дунёга намоён этди.

Аброржон ТУРҒУНОВ,
Норин туманидаги “Ғойиб бува” жомеъ масжиди имом хатиби.

КИБЕР ЖИНОЯТЧИЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Маълум бўлишича, бугунги кунга келиб ҳар куни халқаро интернет тармоғида 420 мингдан зиёд зарарланган дастурий вируслар тарқатилмоқда. 2006 йилларда ушбу кўрсаткич 1,4 мингтани ташкил қилар эди.



Бу эса халқаро интернет тармоғидаги киберҳужумлар диапазони ўтган ўн саккиз йил ичида камида 400-500 марта ошганидан далолат беради. Айни пайтда хакерлар томонидан вируслар орқали амалга оширилаётган киберҳужумлар жуда хатарли тус олмоқда. Тарқатилаётган вирусларнинг аксарияти банк хизматларини кўрсатадиган жаҳон ахборот тармоғини заифлаштириш орқали, у ердан молиявий маълумотларни ўғирлашни кўзлайди.

Жорий йил таҳлилларидан маълум бўлишича, банк-молия соҳасидаги йирик муассасалар, онлайн тўлов жараёнларини амалга оширувчи тизимлар, савдо мажмуалари, меҳмонхона ва савдо терминаллари энг кўп фойдаланиладиган марказлар хакерларнинг асосий диққат марказида туради. Мисол учун, “Carbanak” кибер жиноятчилик гуруҳи ҳамда унинг “SWIFT” номли хакерлари банк ва бир қатор молиявий институтлардан ҳар йили 1 млн. АҚШ долларидан зиёд маблағни ўғирлайди. Бу турдаги жиноятларни амалга ошириш катта маблағ келтиргани ҳамда бу жиноятларни фош этиш қийин бўлгани сабабли ҳам бугун хакерлик жиноятлари ва шунга ўхшаш ахборот хуружлари сони ортиб бормоқда. Шунингдек, бугунги кунда дунёда ҳар 39 дақиқада хакерлик ҳужумлари уюштирилади ва бундан ҳар йили 60 фоиз инсонлар зарар кўради. Шу муносабат билан бу соҳада содир қилинаётган ёки содир этилиши режалаштирилаётган жиноий қилмишларнинг ўз вақтида олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келган омилларни чуқур таҳлил қилиш, амалга оширилган кибер таҳдидлар ва ахборотлаштириш қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича тергов амалиётини тубдан такомиллаштириш долзарб масала саналади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, фирибгарлардан огоҳ бўлинг, бегона шахсларга банк картангиз тўғрисидаги маълумотларни зинҳор берманг! Акс ҳолда кибер жиноятчилар томонидан сизнинг банк пластик картангиздан номаълум сабабларга кўра пул ечиб олиниши ва сизнинг номингизга банкдан кредит олиниши мумкин. Сиз ўзингиз ишонган инсонга банк пластик картангизнинг 16 та рақамини беришингиз мумкин. Бироқ ўзингизнинг исм ва фамилиянгизни, банк пластик картасининг амал қилиш муддатини ҳамда телефон рақамингизга уланган пластик карта бўйича келган СМС тасдиқлаш кодини зинҳор бегоналарга берманг!

Жасур БЕГМАТОВ,
Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИО ФМБ Тергов бўлими Ахборот таҳлил бўлинмаси катта суриштирувчиси, майор.

ТАДБИРКОРДАН СОЛИҚ ҚАРЗИ НАҚД УНДИРИЛДИ

Жиззах вилояти солиқ бошқармасининг солиқ мажбуриятига эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш бўйича қарорига асосан “Р.И” МЧЖдан 123 млн. сўм солиқ қарзи ундириш бўйича ижро варақалари Мажбурий ижро бюросининг Жиззах шаҳар бўлими иш юритувига келиб тушди.

Мазкур ижро ҳужжати бўйича қарздорга нисбатан ижро иши қўзғатилиб, томонларга нусхалари юборилди ва давлат ижрочилари томонидан қарздорнинг ҳисоб рақамларига банд солиниб, барча мол-мулкларига тақиқ ўрнатилди. Олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздордан 50 миллион сўм солиқ қарздорлиги нақд кўринишида ундирилди. Қолган қарздорликлар бўйича ижро ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Нурали ГУЛМУРОДОВ,
МИБнинг Жиззах шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари.

↘ Қутлов

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Қадрли ватандошлар!
Сизларни Бош қомусимиз қабул қилинганининг 32 йиллиги билан қизғин муборакбод этамиз. Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, қонун устувор бўлган мамлакатимиз равнақ топаверсин!







↘ Реклама ва эълонлар



Шамгунов Шамиль Шакирович номига 1993 йил 4 мартда 08-01/22513 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

МУРОЖААТНОМА

СТИР рақами 205010216 “PROMXIM IMPEX” масъулияти чекланган жамияти “PROMXIM IMPEX” масъулияти чекланган жамиятига тегишли Тошкент вилояти Зангиота тумани Боғзор МФЙ Намунавий уйлар кўчаси 116-уй манзилида жойлашган нотурар жой тоифасидаги кўчмас мулкини келишилган нархда сотишини маълум қилади. Маълумот ва мурожаатлар учун телефон: 98 124 50 77.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1217. 1020 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00